



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 201 (10.004)

2003 ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИССА сатрларда

- **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида уй-жой коммунал хизмати соҳасида ўтган 9 ой мобайнида бақарилган ишлар ва келгуси режаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Обод маҳалла йили муносабати билан уюштирилган «Энг намунали мулкдорлар ширкати», «Энг яхши боғбон» кўрик-танловларининг ғолиблари ҳам тақдирланди.
- **ЭРТАГА** Сергели туманида жойлашган 322-мактабда «Зулфияxonим қизлари» кўрик-танловининг туман миқёсидаги саралаш босқичи бўлиб ўтади.
- **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ўзбекистон Велоспорт федерациясининг ташаббуси билан шу кунларда халқаро велосипед пойғаси бўлиб ўтмоқда. Унда МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари, Марказий Осиё республикалари ҳамда юртимиздан вакиллар иштирок этмоқдалар.
- **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ўтказилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига бағишланган семинарда Шайхонтоҳур тумани фаоллари иштирок эттиди.

### ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Икки палатали Парламент - давр талаби» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Маълумки, Олий Мажлиснинг ўнчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинган эди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мазкур конституциявий қонуннинг олий ҳокимият органларида халқ хоҳиш-иродасини янада кенгроқ таъминлашда, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган эди.


Дунёнинг ривожланган мамлакатларида парламентнинг тажрибаси ва Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун турли сиёсий кучлар ва ҳудудларнинг вакили бўлган қонун чиқарувчиларнинг энг муҳим давлат масалаларини ҳал этмишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Шу боси Президентимиз аҳолининг турли қатламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг маъмул механизминини яратиш, профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлгуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигини қайд этган эди.

Семинарда олимлар ёшларга мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини батафсил тушунтириб берди.

УЗА

Шаҳримизда самарали фаолият юритаётган «Тоштўқимачи» очик акционерлик жамиятининг малакали, ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчилари ўз вазифаларига сикидилдан ёндошадилар.

**СУРАТДА:** корхонанинг калавалаш цехини моҳир ишчиси Муножат Мамажусупова. Козим Ўлмасов олган сурат.



## ЎЗБЕК СЎМИ - ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА

Шу йил 15 октябрдан Ўзбекистонда жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши расман йўлга қўйилмоқда.

Жорий халқаро операциялар деганда нимани тушуномқ керак?

ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Шухрат ТОШМУРОДОВга ана шундай савол билан муножот қилди. Унинг айтишича, бундай операциялар қаторига товарлар экспорт-импорти, валюта қийматлари олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, чет элга ва мамлакатимизга фоизлар, дивидендлар ва банк омонатлари, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий операциялар бўйича даромадларни ўтказиш кирди. Шунингдек, савдога алоқадор бўлмаган пул ўтказиш ва тўловлар (чет элда ўқиш ва даволаниш, сугурта, маош суммалари, мерос ва бошқа даромадлар) ҳам шулар жумласидандир. Бошқача айтганда, энди ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш учун чеклашлар бўлмайди, резидентлар ва норезидентлар миллий валютани эркин алмаштириладиган хорижий валютага бемалол алмаштириши мумкин.

Бу Президентимиз Ислам Каримовнинг узокқи кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатининг яққол самараларидан биридир. Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўлида мамлакатимиз раҳбарининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари босқичма-босқич қабул қилинди. Улар валюта сиёсатини янада эркинлаштиришга қаратилган.

Валюта бозорини эркинлаштириш учун, аввало, Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) асосий талабларини бажариш лозим эди: валютани айирбошлаш курсларининг тўла бир хиллигига эришиш, жисмоний шахслар айирбошлаш шохобчаларидан ҳамда ҳужалик субъек-

тларининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали эркин муомаладаги валютани сотиб олишидаги чеклашлар барҳам бериш. Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган ХВЖ миссияси Ҳаракат режасида кўзда тутилган шартлар бажарилганини мамнуният билан қайд этди.

Бу шунга аналганда, нақд пулсиз валюта бозоридида пул алмаштиришни амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар рўйхати соддалаштирилди, савдо-воситачилик ташкилотлари томонидан ва қарз маблағлари ҳисобига хорижий валютани сотиб олишидаги чеклашлар олиб ташланди, хорижда ўқиш, даволаниш учун тўловлар ҳамда жисмоний шахсларнинг шахсий пулини ўтказишига рухсат берилди. Жисмоний шахслар учун нақд валюта бозоридида барча чеклашлар бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси резидентлари банклар ва валюта алмаштириш шохобчаларида эркин муомаладаги валютани ҳеч қандай тўсиқсиз, фақат паспортини кўрсатган ҳолда сотиб олиши мумкин.

Импорт борасидаги ташқи савдо ҳисоб-китобларига келса, бу соҳада ҳам янада эркинроқ тартиб жорий этилмоқда. Масалан, товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киргунча тўланадиган аванс ҳажмининг 100 фоизи миқдоридида миллий валютадаги маблағни қўшимча захира қилиш, импорт шартномаларида белгиланган маблағни фақат товарлар республикаимиз божхона чегарасидан ўтгандан кейингина тўлаш талаби бекор қилинди. Уларни Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказишга ҳам чек қўйилди.

Давоми 2-бетда.

## XXI сағоси

Барча маилбалардан олганган сўғити кабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Фанлар академиясида О. Содиков номидаги биоорганик кимё институтини билан Украина илмий-техникавий маркази ҳамкорлигида уюштирилган «Биологик технологиялар: ривожланиш истиқболлари ва хавфсизлик» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ўз ишени бошлади.

● «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган 9 ой мобайнида 366,1 минг тонна пўлат эритилди, экспорт ҳажми 2 баравар ошди.

● Навоий шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида маданият ва дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Айниқса рус, қозок, қорақалпоқ, татар, корей миллий марказларининг чиқишлари дўстлик байрамига ўзгача руҳ бағишлади.

● «Экосан» халқаро жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорлигида Табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро кунига бағишлаб учрашув ўтказди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси янги экологик харитасининг тақдими ҳам бўлди.

● «Анджонавтохизмат» ҳиссадорлик жамияти устахоналарида республикамизнинг турли ҳудудларидан келган малакали усталар иштирокида «Энг моҳир созловчи» танлови ўтказилди.

● Фарғона туманидаги «Фарғона» ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб пахта сотиш шартнома-режасини бажарди.

● «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли 14-рельсларни пайвандлаш корхонаси Франциядан келтирилган янги технология асосида ишлаб бошлади.



### Жаҳонда

● Германия канцлери Герхард Шрёдер Францияга ташриф буюрди ва мамлакат Президентини Жак Ширак билан учрашди. Олий даражадаги учрашув чоғида айтилган вақтда ҳар икки мамлакат иқтисодий-тибда асосий муаммо бўлиб турган бюджет камомати муҳокама қилинди.

● Бугун Озарбайжонда Президент сайловлари бўлиб ўтади. Мамлакат давлат раҳбари постига 8 та номзод даъвогарлик қилмоқда.

● Россия ва Швейцария 2002 йилда рўй берган авиация ҳалокати натижасида ҳаётдан кўз юмган россияликлар қариндошларига тоvon тўловларини тўлаш тўғрисида келишиб олишди.

● Ирок пойтахтида жойлашган «Бағдод» меҳмонхонаси ёнида кўпорувчилик ҳаракати амалга оширилди. Кучли портлаш натижасида 7 киши ҳалок бўлди ва 11 киши оғир яраланди.

● Хитой бугун Фазогир орқали бошқариладиган ракетани қонотга учирди.

● Канадада бўлиб ўтган велоспорт бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Сергей Лагутин умумжамоа пойғасида марра чизгини биринчи бўлиб босиб ўтган ҳолда олтин нишон соҳиб бўлди.

**Иқтисодий**

**СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА**

Сир эмаски, бугунги кунда **ноконуний равишда четдан маҳсулот келтириб сотаётганлар ҳам учраб турибди. Конундан ташқарида амалга оширилган иш, албатта жиноят ҳисобланиб, бу биринчи навбатда истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилишига, жамиятда иқтисодий соҳанинг қайсидир маънода пасайишига, энг муҳими давлат томонидан белгилаб қўйилган қонунларнинг бузилишига олиб келади. Аммо юқоридаги сўзлардан фарқли ўлароқ ҳозирда қонун йўли билан консигнация асосида четдан маҳсулот келтириб, иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган корхоналар оз эмас.**

Сергели туманидаги «Сип - Акбар» масъулияти чекланган жамияти худди шундай корхоналар сирасига киради. Жамият бир неча йилдирки, Россия Федерациясининг Иркутск, Красноярск ўлкаларидан ҳар хил ўлчамдаги ёғочлар, ДВП, ДСП, фанерлар, радиаторлар, михлар, карбит ҳамда бошқа қурилиш ашёларини шартнома асосида, яъни Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва божхона рўйхатидан ўтказиб олиб келади.

Келтирилган бундай маҳсулотлардан тушган маблағ эвазига куруқ мевалар, консерваланган маҳсулотлар Ўзбекистондан четга ҳўнатилади.

— Ҳозирги кунда бу маҳсулотлар миқдори 2 миллиарддан ошиб кетди, — дейди жамият раҳбари Насрулло Абдувалиев. — Шунингдек, янги режалар устида ҳам иш олиб бораёямиз. Бу четдан олиб келинган ёғоч маҳсулотларини Ўзбекистонда қайта ишлаш учун технологиялар яратилди. Максимум харидорларга қиёсатли ва кўпга чидамли маҳсулотлар келтириб, ички бозоримизни тўлдиришди.

**ТЕЗКОР ХИЗМАТ КўРСАТАДИ**

Ҳозирда узогингни яқин, оғирингни енгил қиладиган автоуловлар хизмати кундан кунга ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Тезкорлик талаб қиладиган янги даврда эса бунинг ўз-ўзидан кўпчилик табиий ҳол дея қабул қилишади. Чунки вақт ҳар доим олдинга интилади.

Бектемир туманидаги «Автотек» акционерлик жамияти ходимлари ҳам ҳозирги кунда юртдошларимизга ўзларининг тезкор хизматлари билан яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Ушбу жамият шартнома асосида юкларни республикамизнинг бир ҳудудидан бошқасига ташиш билан шуғулланади.

Айни пайтда корхона «Урта-Осиётранс», «Бекатранс», «Атек», «Шохруҳ» акционерлик жамиятлари билан ҳамкорликда иш юритиб, юк ташиб келтиришда ушбу ташкилотлардан ижарага автоуловлар олади.

Шунингдек, «Автотек» шахримиздаги «Тошқўнимачи» корхонаси, «Ўзбат» қўшма корхонаси ҳамда «Медиз» акционерлик жамиятларига бир неча йиллардан буён ўзининг тезкор хизмати билан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**ЎЗБЕК СЎМИ - ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА**

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Низом жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортқ бўлган давлат корхоналари тузган ҳамда давлат бюджети ёки ҳукумат томонидан берилган ёки унинг кафолати асосида жалб қилинган кредитлар ҳисобига молиялаштирилмаган шартномалар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида олдиндан экспертизадан ўтказилмаган бўлди. Аввалдан ҳақ ўтлашнинг чегара суммаси бекор қилинди, ташқи қарзлар бўйича фоиз тўловларининг 20 фоиздан ошмаган максимум миқдори ва бошқа чеклашлар олиб ташланди.

Бундан ташқари, амалда валюта алмаштириш курсларининг бир неча хиллигига олиб келинган барча меъёрлар бекор қилинди, деб таъкидлади Ш.Тошмуродов. Ҳозир барча операциялар банклараро савдо сессияларида эркин муо-

ладаги валютага талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланадиган ягона курс асосида амалга оширилади, яъни валюта айырбошлаш курсларининг бир хиллиги таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоб-китоби, статистик ҳисоботларни юритиш, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш учун белгиланади.

Бундай чораларни Марказий банк юритган қаттиқ пул-кредит сиёсатисиз амалга ошириб бўлмас эди. У инфляция даражасини пасайтиришга ижобий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида истеъмол нархларининг 0,3 фоиз дефляциясига эришилди, ваҳоланки, 2002 йилнинг 9 ойида инфляция 17,4 фоизни ташкил этган эди. Марказий банк келгусида ҳам белгила-

ган пул-кредит сиёсатини валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан бирга узвий боғлиқ ҳолда олиб боради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон жорий халқаро тўловлар бўйича валютанинг эркин алмаштирилишини жорий этиш юзасидан бошқа мамлакатлар таърибасини, шу жумладан, бу муҳим ишнинг салбий жиҳатларини ҳам диққат билан ўрганиб чиқди. Олтин-валюта захирасини жамғариш жараёни узоқни кўзлаб амалга оширилди. Ушбу захира мамлакатимиз четдан қарз олмай сўмини эркин конвертация қилишга ўтиши учун зарур миқдорга етди.

Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда биздаги валюта бозорини тартибга солиш тизими ХВЖ Битим Моддаларининг 8-моддасида кўзда тутилган мажбуриятларга тўла мослиги назарда тутилган.

Миллий валютаимизни жорий халқаро операциялар бўйича алмаштирилиши Ўзбекистонга нима беради?

Бу саволга жавобан суҳбатдошимиз мамлакатимизда эришилган макроеқтисодий барқарорлик иқтисодийни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш учун мустаҳкам асос яратганини таъкидлади.

Хусусийлаштириш, капитал қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, ёқилга-энергетика ва бошқа тармоқларда кенг қўллади бозор иқтисоди тига ҳоқ тузилмавий ислохотлар ҳамда иқтисодийта давлатнинг иштирокини камайтиришни кўздутутувчи маъмурий ислохотларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Қўқаси, мамлакатимиз иқтисодийта янги юксалишлар сари юз тутуди, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳам-жамиятига интеграция жараёни янада тезлашди.

**УА шарҳловчиси Виктор НИКОЛАЕВ суҳбатлашди.**

**Мақдмот**



**ЯНГИ ЧОЙ НАВЛАРИ**

Пойтахтимиздаги муҳташам Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасининг кўргазмалар залида Хитойдан келтирилган машҳур хитой чойларининг тақдимоти — кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмаи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекистон ярмаркаси» қўшма корхонаси, Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда республика Товар хом ашё биржаси ҳамкорликда ташкил этдилар.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда ички бозоримизда жуда кўплаб турдаги чойлар мавжуд бўлиб, чойни севиб истеъмол қилувчи халқимиз учун ҳар кимнинг дидига қараб танлаш имконияти мавжуд. Жумладан, мевали, хушбўй таъмли, бир марта ишлатиладиган пакетчали чойлар бугун бизни таажжублантирмазми. Пойтахтликлар асосан қора хушбўй чойни севиб истеъмол қилсалар, вилоятлардаги аҳоли сифатли кўк чойни хуш кўради.

Хитойлик тадбиркорлар томонидан келтирилган ва кўргазмада кенг намойиш қилинган 30 турдан ортқ чой навлари Европа, Америка, Африка, Осиё китъаларидаги жуда кўплаб мамлакатларга кириб борган. Хитойдаги 14 та энг катта чой етиштирувчи машҳур компаниялар йирик вилоятларда жойлашган. Мазкур давлатнинг 976 уезд ва 20 та вилоятларида чой қадоқлаш билан шуғулланишади.

Хитой чойлари асосан 6 турга бўлинади, улар — қора, кўк, улун, гул, байх ва компресс чойларидан иборат, шулардан 60 фоизини кўк чой ташкил этади. Хитойнинг «Golden Sail», «DYKE», «Butterfly», «New sprouts», «Greeting pine», «Temple of heaven», «Evergreen» ҳамда кўплаб бошқа чой навлари аллақачон ўз харидорларига эга. Бундай

ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Бунинг учун жуда катта меҳнат, изланиш ва тадбиркорлик талаб қилинади.

Кўргазмага ташриф буюрганлар Хитой чойларининг турли навларидан татиб кўрдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олдилар.

— Савдо-сотик ишлари бўйича импорт ва экспортни амалга оширувчи Хитой савдо палатаси ўз олдида катта мақсадларни қўйган ҳолда иш юритмоқда, — дейди палатанинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси жаноб Чи сан Ди. — Кўргазма-ярмарка ташкил этишдан анча аввал биз ички бозорингизни, яъни унга хориждан келтирилаётган сифатли чойларни чуқур ўргандик ва сизларга кўк чой олиб келишга жазм этдик...

Бугунги харидор бозордан бирор нарса сотиб олишдан олдин, унинг қаерда ишлаб чиқарилгани, сифати, қадоқлиниши ва албатта, нархига ҳам эътибор қаратади. Нозиктаб ҳамюртларимиз ўзига хос қадимий кўк чой навларининг кўплаб турларини истеъмол қилиб кўриш имкониятига эга бўладилар, деган умиддамиз.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Хитойнинг сифатли ва хушбўй чойлари.**

«Қурилиш ва жиҳоз, иситиш ва шамоллатиш» деган мавзуда ташкил этилаётган халқаро кўргазмада «Ўзқурилишматериаллари» ҳиссадорлик компанияси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бундай тадбир компания учун янги ҳамкорлар орттириш имконини бермоқда.

**• ҲАМКОРЛИК**

**ЛОЙИҲА КУЧГА КИРДИ**

Тошкентда ўтказилган «Ўз БИЛД—2003» кўргазмаси доирасида эса Германиянинг қурилиш фирмаси шартнома тузди. Бу ҳамкорлик гипс-картонли плитка ва куруқ аралашма ишлаб чиқаришга қаратилган. Янги лойиҳа бўйича йилига ўн мил-

лион квадрат метр ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Бу хил сифатли қурилиш материаллари йирик иншоотларни бунёд этишда кўплаб ишлатилади.

**Акбар АЛИЕВ**

**• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

**АМАЛИЙ РУҲДА ЎТДИ**

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мажлислазаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, жумладан 2003-2004 йилларда лойиҳа ва пудрат ташкилотларини тўлиқ хусусийлаштиришни тугаллашнинг амалдаги исорисига бағишланган семинар-мажлис ўтказилди.

Анжуманни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қурилиш, уй-ҳой ва коммуникация мажмуаси қурилиш ва инвестицион дастурлар департаменти билан ҳамкорликда ташкил қилди.

Ингиллишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш мажмуаси, «Давархитектқурилиш», Давлат мулки қўмитасининг шаҳар бошқармаси, шаҳар Иқтисодий беш бошқармаси, шаҳар қурилиш ташкилотлари, лойиҳа институтлари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шавкат Қосимов олиб борди.

Тадбирда Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиги Алишер Каримов сўзга чиқиб, асосий масала — Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорининг амалдаги ижроси, яъни пудратчи қурилиш ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотларини 2003-2004 йилларда хусусийлаштириш ҳамда улар тасарруфидида салмоқли хусусий, қўшма корхоналар ташкил этишни амалга ошириш механизми тўғрисида тўхтади. Сўнг шахримизнинг барча туманлари ҳокимларининг капитал қурилиш бўйича ўринбосарлари, шаҳар статистика бошқармаси, шаҳар қурилиш ташкилотлари, лойиҳа ташкилотлари, шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси, шаҳар Иқтисодий беш бошқармаси каби кўплаб ташкилот, идора, вазирликларнинг масъул ходимлари мавзу юзасидан савол-жавоблар асосида баҳс-мунозара ўтказдилар.

Семинар-мажлис сўнггида ҳукуматимизнинг юқоридаги қарорининг амалдаги ижроси механизми тўғрисида тегишли идора, ташкилотлар раҳбарларига йўл-йўриқлар ва топшириқлар берилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## Саломатлик

### СОГЛОМ ОИЛА—ЮРТ ТАЯНЧИ

Куни кеча Акмал Икромов туманида жойлашган «Ватан» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси ташаббуси билан «Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда маҳалла фаоллари, шифокорлар, шунингдек, янги оила қураётган ёшлар иштирок этишди. «Гиевандлик аср вабоси», «Соғлом турмуш—юрт таянчи» каби мавзуларда шу маҳаллада яшовчи ёшлар билан суҳбатлар ўтказилди, уларни қизиқтирган саволларга малакали шифокорлар жавоб беришди.

— Юртимизнинг энг катта ишончи—ёш авлоддир. Уларни ҳар тарафлама соғлом, етук ва билимли қилиб тарбиялаш бизнинг асосий вазифаларимиздандир. Ушбу суҳбатни ўтказишимиздан асосий мақсад янги оила қураётган ёшларимизнинг соғлиги, саломатлиги борасида маслаҳатлар бериш, жамиятимизда тинч, соғлом ва бахтли оилалар сонини кўпайтиришдан иборат, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан «Ватан» маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев.

Дарҳақиқат, жамиятимиз асоси ҳисобланмиш оилалар саломатлигини асраш, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини ёшларга тушунириш, гиеванд моддаларнинг зарарли оқибатлари ҳақида маълумотлар бериш ҳозирги кунда нафақат шифокорларнинг балки, барчамизнинг бурчимиздир.

Юлдуз УСМОН.

### ЁРДАМИЗНИ АЯМАЙЛИК

Агар кимнингдир шахсий ҳаётида хато ёки салбий бурилишларни сезиб қолсак, ҳаёт-мамотимиз, тақдиримиз ҳал бўлаётгандек ҳушёр тортиб, соғлом фикр, равшан кўз билан боқиб, қўлимиздан келган ёрдамимизни аяма-саккина жамиятда ўсиш ва юксалиш бўлади.

Яқинда Шайхонтохур туманидаги «Оқлон» ва «Қоратош» маҳаллаларида бўлиб ўтган «Гиевандлик-аср вабоси, ичкиликнинг олдини олиш» мавзуидаги давра суҳбатлари атрофдагиларга нисбатан бефарқ бўлмаслик ва ҳушёрликка чақиршига бағишланди.

Мазкур тадбир «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими қошидаги «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази ташаббуси билан уюштирилди. Тадбирга «Ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш» мажмуаси раҳбари Жуманазар Жонибеков, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдусаттор Раҳимов, шифокор-нарколог Нодира Дадабоевалар тақлиф этилди. Давра суҳбатида маҳалла ёшлари, ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла фаоллари қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Соҳиба УМАРОВА

## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

### КЕНГАШ СТИПЕНДИЯЛАРИНИ ОЛИШАДИ

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашининг 1998 йилдаги қарорига мувофиқ 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили шахримиздаги ўрта махсус ва олий ўқув юрталарининг энг намунали талабаларига Кенгаш стипендияларини бериш хайрли аънава тусига кирган.

Яқинда Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашида 2002-2003 ўқув йилининг II семестри якунлари бўйича 2003 йилнинг сентябридан бошлаб талабаларга олти ой муддатга ўзлари тахсил олаётган ўқув муассасаси белгиланган ойлик стипендия миқдоридан эллик фоиз миқдорда стипендия тайинлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бу галги стипендияларни олишга П.Боровский номи Тошкент шаҳар тиббиёт коллежининг 4-курс талабаси Анастасия Ким, Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг 3-курс талабаси Шерзод

Пардаев, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг 4-курс талабаси Райҳон Қориева, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 3-курс талабаси Умархон Ҳўжаев ва бошқалар, жами ўн нафар талаба муяссар бўлишди.

Тадбирда Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид Содиқов стипендиантларга гувоҳномаларни топширар экан ёш толиби илмларга келгуси ўқишлари ва ишларида катта муваффақиятлар тилади. Ўз навбатида стипендиантлар номидан сўзга чиққан Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти тала-



баси Гулноза Азимова ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси йўлидаги қўлғу ташаббусга миннатдорчилик билдириб, ўз куч-маҳоратларини мустақил Ватанимиз равнақи йўлида сарфлашга сўз берди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Сергей Любич олган сурат.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги «Она ва бола» марказида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофи эътишча, сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Халқ саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида бу соҳа замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, малакали мутахассислар сонини кўпайди.

— Ҳуқуматимиз томонидан «Она ва бола» давлат дастури қабул қилингандан сўнг юртимиздаги барча шифохоналарда, хусусан «Она ва бола» марказларида кўрсаткичлар анча яхшиланди, — деди Акмал Икромов туманидаги марказ директори Ҳабибулла Султонов. — Чунки бундай муассасаларда шифокорлар асосий эътиборни оналар ва болалар ўртасида кенг тарқалган

турли касалликларнинг олдини олишга, ўлим кўрсаткичларини пасайтиришга қаратишди. 1996 йилда ўз фаолиятини бошлаган марказимизда оналар ва болалар доволангани. У 310 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда бу ерда ўндан ортик бўлимлар мавжуд. «Она ва бола» давлат дастури қабул қилингандан сўнг бу ерда ҳам тумандаги шароитини ўрганган ҳолда махсус дастур ишлаб чиқилди. Чунки ҳар бир ҳудудда шароит ҳар хил, имкониятлар турлича. Умуман, болаларнинг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан оналарнинг саломатлигига боғлиқ эканлигини ҳаммамиз биламиз. Агар она соғлом бўлса, ўндан соғлом фарзанд туғилади. Шунинг учун шифохонада асосий эътибор энг аввало оналарни соғломлаштиришга

қаратилди. Тугруқ давридаги аёллар ҳомиладорлик чоғида ҳам касал бўлиши мумкин. Мазкур аёлларни даволаш учун марказда махсус экстрагинетал бўлими ташкил этилган.

Ҳабибулла Султоновнинг таъкидлашича, бугунги кунда аёллар ўртасида камқонлик, буйрак ва ошқозон-ичак касалликлари кўпроқ учраяпти. Марказда бундай касалликлар билан оғриган аёлларни даволашда янги ноанъанавий усуллардан (ам фойдаланилмоқда. Айниқса, табиий ўсимликлардан тайёрланган дорилар аёлларимизга катта ёрдам бермоқда. Она учун фарзанднинг соғлом бўлиши жуда муҳим. Бу масалани ижобий ечишга мамлакатимиз миқёсида кенг эътибор қаратилаётган экан, буни юрт келажагининг соғлом бўлишини таъминлаш йўлидаги сайёҳ-ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин.

Тошкентдаги «Реал Синема» кинотеатрида «Буюртма севги» фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

## ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Кейинги пайтларда юртимиз кино экранларида давлат студиялари қаторида хусусий студиялар ҳам ўз асарларини намойиш этмоқда. Шундай хусусий студиялардан бири «Байрам Синема» ўз фильмларини мамлакатимиз кинотеатрларида тақдим қилди.

— Бугун юртимизда ўзига хос кино жараён юзага келди, — деди продюссер Абдурахмон Давлатов. — «Байрам Синема» бир қатор кинофестивалларда, хусусан Москва ва Гонконгга ўтказилган фестивалларда ўз махсуслотлари билан иштирок этди. Тақдимоти бўлаётган «Буюртма севги» фильми эса айнан шу киноанжуманларда илгари сурилган талаблардан келиб чиқиб яратилди.

Тошкентдаги Олий ҳарбий божхона институтида Осиё тараққиёт банки божхона ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи учрашуви ўтказилди. Унда Марказий Осиё республикалари, Хитой, Озарбайжон ҳамда Мўғулистон давлатларидан ташриф буюрган божхона қўмиталари раҳбарлари иштирок этди.

## БОЖХОНАЧИЛАР УЧРАШУВИ

Мазкур учрашувнинг дастлабкиси Хитойда ўтказилган. Маълумки, ҳар бир соҳа ривожини йўлида бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда божхона тизимини янада такомиллаштириш, хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашиш, минтақа чегараларида биргаликда иш олиб бориш ҳамда божхона хизматида ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш каби ишлар амалга оширил-

моқда. Учрашув иштирокчилари асосий эътиборни икки учрашув оралиғида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишга қаратишди. Шунингдек, божхона ҳужжатларини тайёрлашни соддалаштириш ва уйғунлаштириш, транзитни ривожлантириш, шарқий ва марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик қилиш стратегияси ва режасини ишлаб чиқиш каби масалалар муҳокама қилинди.

«Туркистон-пресс»

## АНЖУМАНЛАР

### ҚАДАМЖОЛАР ОБОД ҚИЛИНАДИ

Ўтмишда буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабрлари ўзга юрт тупроғида қолиб кетганлиги барча юртдошларимизга маълум. Эндиликда ушбу аждодларимиз қабрини тиклаш ва ободонлаштириш мақсадида авлодлар томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилган анжуман ҳам Афғонистондаги «Мусалло» тарихий ёдгорлигида жойлашган Алишер Навоий қабрини обод қилишга бағишланди.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрган йўллар бўйлаб юртдошларимиз томонидан уюштирилган халқаро экспедиция яқинда ўз ишини амалга ошириб қайтди. Анжуманда ушбу экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов иштирок этиб, Афғонистондаги Навоий қабрини тиклаш ишларининг аҳамияти, сафар таассуротлари, Афғонистон юртидаги аҳвол, у ернинг ёшлари тўғрисида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзолари ҳамда журналистларга атрофлича сўзлаб берди.

— Телеклуб аъзолари билан биргаликда «Ўзбекистон ёшларининг Афғонистон ёшларига тўхфаси» лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Ушбу лойиҳага асосан 2,5 тонна канцелярия товарлари Ўзбекистондан Афғонистонга жўнатилди, — деди «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг ижодий ходими Шодиёр Эшаев. — Бугунги кунда эса, «Мусалло» тарихини тубдан ўрганиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мақсадимиз келгусида телеклуб аъзолари билан Афғонистонга сафар уюштириб, афғон ёшлари билан яқиндан танишиш ҳамда буюк бобокалонимиз қабрларини обод, руҳларини шод этишдир.

Озода РАҲМАТОВА



## Хандалар

НАРИГИ  
ДУНЁДА

Тўйчи Қори бир гуруҳ қизқичилар билан бетоб ётган Охун қизикни кўрган борибди. Охун қизик меҳмонларни очик чехра билан кутиб олибди.

— Келинлар, келинлар, — сўнг қўшиб қўйибди:

Сафар қариб қолганга ўхшайди, начора. Мабодо у дунёда тўй-томошалар кўпайиб кетган бўлса, сизларни ҳам албатта айтириб юбораман, бормай қолманглр...

«СОМОНРАНГ  
ЭКАНСИЗ»

Қори кунларнинг бирида бир қишлоққа тўйга борибди. Чилдирмалар бақабумбанг, ўтирганлар ширакайф экан. Қорни оч қизикчи бора солиб, ўзини овқатга урибди. Сўнг овулдаги сомонга ёнбошлаб, пинакка кетибди. Бир маҳал бир киши кириб «ҳой меҳмон!» дея сомонни бир томондан ағдара бошлабди.

— Мен бу ёқдаман-ку, кўрмадингизми?

— Кўрмабман, меҳмон, кўрмабман, сомонранг экансиз, — дебди ҳозиржавоблик билан мезбон.

## ДУРБИН КЎЗ

Тўйчи қизикнинг халқ орасида дурбинкўз деган лақаби бор. Бу албатта, кўзларининг қисқлигидан бўлса керак. Қизикчининг ўзи эса мана бундай дейди:

— Онам мени тўйхонада туғиб қўйган экан. Гўдакнинг кўзларини шу ердаги кампир момолар тирнаб очишиб: оти Тўйчи дурбинкўз бўлади. Кўзлари уругдек бўлсам, учиб бораётган бурганнинг жинсини айириб беради, — дейишган экан.

## ЖУВОЗХОНАДА

Тўйчи қизик ёшлигида бой эшигида жувазхонада ишларкан. Зиқна бой на унга, на хўкизларга ҳеч дам бермас экан.

Қизикчи бир куни хўкизларни шартта тўхтабди-да, тошга похол тўшаб ётиб олибди. Яқин орада юрган ўғли даргазаб юриб кетибди:

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, — дебди қизикчи сиполик билан, — манавиларга янги латифа айтиб бераяпман.

Бойвачча бу жавобдан ўсал бўлиб, ҳеч нима дея олмабди.

Танани сархуш қилувчи спиртли ичимликлар кишини ўзига ром этгач, йиққан обрўсидан, дўсти-ёридан айиради, рўзгорининг баракасини учуриб, оиласини барбод қилади, ёхуд жиноят кўчасига етаклайди. Алал-оқибат бир шахснинг ҳаётига, умрига зомин бўлади. Биз бунга жуда яхши биламиз. Билсакда унга эргашамиз ёки «шишасининг ичига кириб оламиз».

Биз бугун мана шу ароқнинг қилмишлари хусусида эмас, аксинча унинг савдосини «қиздираётган» айрим акашонлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Шу ўринда сиз азиз газетхонларга ўзим эшитган бир суҳбатни ҳавола этмоқчиман, эшитганимнинг тубандагилари эса унинг исботидир.

Яқинда бир қишлоққа тўйга бордим. Тўй яхши ўтди. Яхши деганим, камхарж, тўғрироғи ароқсиз, уруш-жанжалсиз ўтганидир. Шунда бир киши кекса отахондан тўй соҳибни нима учун ароқ қўймаганининг сабабини сўради. Шунда отахон бир гап айтди. Бу гап менга у кишидан ибрат бўлди. Ҳаётда кўрганларим эса бу гапни исбот этди. Қариянинг гаплари эса қуйидагича: «Ароқ қўйиб, ароқ ичиб, уни сотиб ҳеч ким барака топмаган, рўзгорига барака кирмаган, уни сотиш йўлини тутганларни эса бошида иши юришиб, охири хонавайрон бўлган. Ука, ҳеч кўрдингми, ароқфурушларнинг ароқ сотиб бири икки бўлганини?»

Отахон айтганидек аслида ҳам шундаймикан?

... Хайдовчилик Абдуқодир Қаюмов учун севган касб. Шунинг учун ҳам унинг бошини қўймайди. Чунки рўзгор ўтапти. Ҳозирги кунда энг асосийси шу-да. Лекин нафс ўлгур курсин, бу сабил қолгурни йўловчи ташиб, патта пулидан қондириб бўлмаётганда. Нима қилиш кераклиги ҳақида бекатда ўз ўйлари билан хаёл суриб ўтирган Абдуқодирнинг хаёлини Гулзахира Бубекбоева бузди, жаҳли чиққан Абдуқодирнинг у ваъда қилган «соққанинг» дараги бироз бўлсада, юмшатди. Унинг гапига кириб автобусининг ўриндиқлари остига 1620 килограмм спиртни яширин равишда жойлади. Бекатдаги йўловчиларга ёнилги кам қолганлигини баҳона қилиб жўнаворди. Икковлон кўзланган манзилга «Келес-Тошкент» йўналиши бўйича равона бўлдилар. Кўп юришиб, бир пайт хайдовчига тўхташ ишорасини қилишди. Яқинлашиб

қараса, йўл патрул хизмати ходими экан. Тўхтади, нозирнинг ёнида икки киши. Кейин билдики, олиб келаётган юки контрабанда йўли билан, ҳеч бир ҳужжатсиз Республика худудига кирган маҳсулот. Ушбу ноқонуний ишга чек

ҳам йўқ. Буёғи қандоқ бўлди, Қозоғистон Республикасининг акциз марказлари ва ёрликларини ҳам бошга бало бўлди. Улар қўшиб ҳисоблаб кўрилса, дўконда 533 минг сўмлик тайёр маҳсулот, 364 минг сўмлик қўлбола спиртли

## • ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

ФИРИБГАРЛАРНИНГ  
ЧУВИ ЧИҚДИ

қўйганлар эса милиция ва департамент ходимлари экан.

Бу ҳам майли. Дўкон сотувчиси Усмонжон ҳам анойилардан эмас. Усмонжон қараса савдода гап кўп. Эплаган қандини урсин-да. Бироз ҳаракат қилди-ю Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳамдардик» хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчисига айланди, қолди. Иши чакки эмас. Тўшум эса кўзлагандан зиёда. Анча вақт иши юришгач, кунларнинг бирида туман прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари унинг ишларини сарҳисоб қилишди. Нима учун дерсиз. Чунки бу шоввоз акциз маркази бўлмаган 136 шиша Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ароқларни 194 минг сўмга сотаётганида тўшугидан илди. Департамент ходимлари ҳам анойилардан эмас экан, тезда текширишни бошлаб юборди. Бир пасда улар 86 шиша акциз маркази Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ароқларни, омборхонасидаги «қўлбола» ишлаб чиқариш мосламасини ва шу мослама ёрқамда тайёрланган 260 шиша «Ўзбекистон портвейни» ёрлиги ёпиштирилган сохта ичимликларни, шиша идишларга қўйиб учун тайёрлаб қўйган 301 литр вино, 31,5 литр ароқ маҳсулотларини топиб олишди-я. Устига-устак спиртли ичимлик сотишга унинг гувоҳномаси

ичимликлар, 1 миллион 214 минг сўмдан зиёд Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ароқларга эга «бойвачча» экан.

Чилонзор туманидаги Чўпон ота кўчасида жойлашган «Туроп савдо» маъсулияти чекланган жамиятга қарашли В-18 сонли дўконнинг сотувчиси О.Ғофурбекова ҳам фойданинг кетидан қувадиганлардан чикиб қолди.

Жиноятга жазо муқаррар. У бу сўзни кўп эшитган, лекин маъносини харидорга «Необъясненая» аргументини ҳар бир донасини 1200 сўмдан сотганида билди. Олдинроқ билганда эди, дўконда Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз маркази спиртли ичимликларни ва чет элда ишлаб чиқарилган, ҳеч бир ҳужжатга эга бўлмаган тамаки ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақламаган бўлар эди.

Юқоридаги жамиятнинг яна бир сотувчиси З.Орипов ҳам харидорга маҳсулот сотиб, пулларни назорат касса машинасида ўтказишни «сдан чикариб» қўядиганлардан чикиб қолди. У фаолияти давомда қарий 6 миллион сўмга яқин нақд пулларни назорат касса машиналарига кириб қилмай, харидорга чек бермаслигини одат қилиб олган.

Аслида «Туроп савдо» маъсулияти чекланган жамиятга қарашли дўконларда Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси

худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори талабларига зид равишда, чет элда ишлаб чиқарилган ҳеч бир ҳужжатсиз тамаки, спиртли ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, савдодан тушган нақд пулларни назорат касса машинасига кириб қилмаслик, пулларни банкка топширмаслик одат тусига кирган экан. Жамиятнинг 10 миллион сўмга яқин нақд пул тушумларини банк муассасаларига топширмай келганлигини нима билан изохлаш мумкин.

Шунингдек, хоразмлик Райхон Оллаберганова доимий равишда акциз марказида алкоғолли маҳсулотларни сотиш билан шугулланиб келган. Унинг уйи қўздан кечирилганда, ҳужжатсиз, истеъмол қилиш мuddати ўтиб кетган 600 минг сўмга яқин Қозоғистон ва Россия республикаларида ишлаб чиқарилган спирт ва пиво маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Баъзи бир кишиларнинг устомонлигини кўриб ёқа ушлайсан, киши. Тошкент шаҳрилик Муҳаммадлазиз Муҳаммадалиев устомон бўлмаганида эди, у ўзи бошқарувда бўлган автобусда Самарқанд вилоятдан акциз марказисиз 1 миллион 400 минг сўмлик 3780 қўти хорижда ишлаб чиқарилган сигареталарни автобус саломи ёриткичлари ва кондиционерларига яшириб, Тошкент шаҳрига олиб келмаган бўлар эди. Санъатингизга қойил Муҳаммадлазиз!

Юқоридаги ҳолатлар ҳамир учидан патир. Бу каби ҳолатлар Тошкент шаҳар прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари аниқлаган қонунбузарлик ҳолатларидан айримларидир.

**Қиёмиддин  
ТОШМУРОДОВ,  
Тошкент шаҳар  
прокуратураси  
хузуридаги  
солиқ ва валютага оид  
жиноятларга қарши  
курашиш  
бошқармасининг  
катта инспектори.**

ЗЎРАВОНЛИККА  
БАРҲАМ БЕРИШ

Тошкентдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш мавзусида ҳудудий семинар ўтказилди.

Анжуман БМТ аёллар тараққиёти жамғармаси ҳисобланган ЮНИФЕМ ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари бўйича ўтказилмоқда. Маълумки, ЮНИФЕМ жамғармасининг дастури инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатларининг аёллар масалалари билан шугулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, журналистлар иштирок этишди. Семинарда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат ва нотижорат «Иқбол» ёшлар маркази ҳам иштирок этди.

— Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад, Марказий Осиёда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, — деди Миллий ишчи гуруҳнинг котибаси Диловера Қўбулова. — Бугунги кунда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида турли хил ҳуқуқий марказлар ташкил қилинган. Бундан ташқари, қизларни оила қуришга тайёрлаш, уларга ўз ҳуқуқларини ўргатиш марказлари ҳам мавжуд. Ушбу лойиҳамиз аёллар имкониятини кенгайтириш, тенг ҳуқуқлик ва аёллар масалаларини миллий, ҳудудий ва глобаллаштиришни кўзда тутди.

«Туркистон-пресс»

## • ТАДБИРЛАР

КЕКСАЛАР ЭЛ  
ЭЪЗОЗИДА

Ҳамза туманида шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман Халқ таълими бўлими ва маҳалла фаоллари иштирокида «Кексалар эл эъзозид» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу файзли кечага туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган пиру бадавлат отахону онахонлар, устоз-мураббийлар тақлиф этилиб, уларга дастурхон ёзилди. Бадий дасталар томонидан чиқишлар қилинди.

—Ўзини ўзи бошқаришнин ўзбекона усули бўлмиш маҳалла ҳаётида қариялар мавқеини ошириш ва уларнинг тажрибаларига суяниш яхши самараларга олиб келади, — дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Юсуф Ибрагимов. — Наинки, Обод маҳалла йилида балки ҳамма вақт кексаларга ғамхўрлик қилишни унутмаслигимиз лозим. Бугунги кечамиз ҳам ана шундай аъёнларнинг давомидир.

Шахло ҲОШИМОВА

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўлганиб  
домо бўлиб...

Яна Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

— Одамнинг ташки қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташки қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса яна ҳам яхшироқдир. Ақлли, доно одам ҳаммани кўриб-билади. Яхшиларнинг фикрларини, кўрсатмаларини жону дили билан қабул қилади. Шунга кўра унинг қилган ишлари бекорга кетмайди яхши натижалар ҳосил қилади. У одам мурод — мақсади-га етади.

Байт:

**Яхшилардан кўрасан,  
мехр-вафо,  
Сенга етказмағай  
мунофиқ кўп жафо.**

Олим-фозиллардан Абу Язид айтади: «Энг яхши кишининг икки кўли ҳам тўғри бўлади. У бир кўли билангина эмас, икки кўли билан яхшилик қилади».

● Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан.

● Виждон—яхшиликни ёмонликдан ажратадиган, яхшиликка йўналтирадиган кучли қувватдир.

● Сукут — саломатликдир, яхшилик — иззат-обрўдир. Сахийлик — улуғлиқни келтиради.

● Бир одамнинг ошнаси гўзал хулқи бўлса, ошнасидан ибрат олиб у ҳам яхши хулқи бўлишга киришади. Агар ошнаси ёмон бўлса, шунга қараб у ҳам ёмон хулқи бўлади. Бир донишмандан:

— Фалон одам ҳақида қандай фикрдасан? — деб сўраганлар. Донишманд:

— Аввал менга у одамнинг қандай одамлар билан улфатчилик қилиб юрганини айтиб беринг, кейин у ҳақидаги фикримни айтман, — деб жавоб берган.

Ким билан ошно бўлишни истасангиз аввал унинг хулқларини яхшилаб текширинг, яхши хулқи, одобли бўлса, у билан улфат бўлинг, ёмон хулқи бўлса, ёнига сира яқинлашманг. Одоби, тарбияли одамлар сизларга яхши йўлни кўрсатади.

● Яхши кишилар юксак ахлоқий етуқлик ва юксак ахлоқий обрў билан ажралиб турадилар.

● Аввало яхши ахлоқни, кейин донишмандликни ўрган. Чунки ахлоқли бўлмай турган, донишманд бўлиш амри-маҳол.

● Инсон ахлоқсизликдан хузур-халоват топиши мумкин эмас; фақат ахлоқ ва яхшилик билангина у олий хузур-халоватга етишади.

● Киши агар фақат ўз-ўзи билан яшагача мажбур бўлса ва фақат ўзи ҳақида ўйласа, у беҳад азоб чекиши мумкин.

● Ердаги жамики гўзал нарсалар — офтобдан ва барча яхши нарсалар — инсондан.


Байт:

**Мен инсонман деган улуг  
фикрла,  
Ҳамиша кўксимни тутаман  
баланд.**

● Бошига бирор оғирлик тушган, турмушдан қўйналган вақтда бошқаларнинг ёрдам беришини истасан кишига айтинг: соғ-саломат бўлиб, роҳат ва фароғатда умр кечириб турган вақтда ҳеч кимдан ёрдамини аямасин, яхшилик қилишга ғайрат қилсин.

● Олим, фозиллардан Аҳмад Хожа айтади:

— Одамлар билан ҳамиша ҳайрихоҳлик, марҳамат ва шафқат билан муомала қилиш, бировнинг кўнглини оғритадиган сўзни сўзламаслик ва бирор кишига мусибат етса, унга хурсанд бўлмаслик ҳар бир одамга лозимдир. Ақлли, одобли, тарбияли одам ҳаммага яхшилик қилади, ҳоҳлатмандларнинг ҳоҳатларини чиқариш учун бор кучи билан саъй-ҳаракат қилади. Умрини мол-дунё йиғишга, кўпайтиришга сарф этиб бойлиги билан гурунланган одамни ҳеч ким севмайди, халқ у одамга нафрат кўзи билан қарайди.



Мушугим жуда эркатой-да, опажон.

## • ЖИНОЯТГА — ЖАЗО МУҚАРРАР

## ЁШ ЙИГИТНИНГ ЖОНИ КЕТДИ

Бир кам дунё дея аталмиш ҳаёт ҳақиқатини эшитганимизда гоҳида ўйланиб қолсан киши. Аксарият ошини ошаб, ёшини яшаб қўйган кексаларимиз эса кўпроқ мана шу нақлни тилга олишади. Айрим ҳолларда баъзилар бир кам дунёнинг шафқатсиз синовларига дуч келишни тақдирнинг ҳукми ёки пешонадаги ёзув деб баҳо беришади... Хўш, пешонадаги ёзув тасодифми ёки сабабиятми? Ёки инсон ўз умридан унумли ва тўғри фойдалана олмаганлигидан тақдир ҳукми деб бўйсунушдан ўзга илоҳ топмайдими? Баъзида айрим нафс бандаларининг қалтис ҳаракатлари бошқа кишилар учун бир кам дунёнинг аччиқ синовларини келтириб чиқармайдими?

Худди шундай бир кам дунёнинг шафқатсиз ҳукмига Нўъмонжон ака билан Сарви хола ҳам дуч келишди. Уларнинг турмуш қурганларига ўттиз йил бўлиб қолди. Уларнинг бу дунёга келиб орттирган энг катта бойликлари ҳам, ишонган тоғи, суянган боғи ҳам ёлғиз ўғиллари Анваржондир. Тақдирини қарангки, уларнинг ҳар иккиси ҳам биринчи гуруҳ ногирони. Худога шукр, ёлғизлигини бебеш чиқмади. Ота-она маслаҳатини ўзига маслак қилиб олди. Бир йигитга етмиш хунар оз деганларидек, 17 ёшга киргунга қадар тўрт-бешта хунарининг бошини тутди. Ҳамма унга шундай ўғлим бўлса деб ҳавас қиларди. Вақт ҳам тез ўтар экан, яқинда Анваржон 27 ёшга тўлади. Ота-онанинг орзуси тезроқ тўй қилиб, ўғлининг бир бошини икки қилиш эди... Анваржон эса тўйнинг деярли барча сарф-ҳаракатларини тайёрлаб қўйган. Фақатгина ўзлари яшайдиган уч хонали ўйни тезроқ таъмирдан чиқарса бўлиши. Худо хоҳласа мезон шамоли эсишининг илк кунларида ихчамгина қилиб тўйни ўтказиб олмақчи. Лекин бу кунлар Анваржонга насиб қилмади. Бечоранинг умри қиска экан. Начора, тақдир ҳукми деб қўйишимиз мумкин. Бироқ Анваржоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига юқоридан келтирганимиздек бир қалтабни кимсанинг қалтис ҳаракати сабаб бўлди. Бу воқеа шу йил май ойининг сокин оқшоми-ларидан бирида содир этилди. Уша кўни Анваржон катта иштиёқ билан таъмирлаш ишларини олиб борди. Кечки соат 22-00 ларда юмушларини тугатди. Эрталабки ноншунани кечкурун тайёрлаб қўйиш у учун одат тусига кирган. Қараса дастурхонада нон тугабди. Йўл юзидagi новвойхонадан нон олиб келмоқчи бўлди. Сарви хола эса кўнгли ниманидир сезгандай ўғлининг алламаҳал бўлганда кўчага чиқишга бироз қаршилик қилди. Шундай бўлса-да, Анваржон новвойхона томон йўл олди. Кўчада ма-

шиналар қатнови камайган. Ахён-ахёнда уёқдан-бўёққа машиналар ўтарди. Анваржон эса йўл четиди кетаётган эди...

Бугун ҳам ҳар кунгидек дўстлар даврасидан кеч қайтаётган Бехзод «Нексия» русумли автоуловини учуриб келаётган эди. Нима бўлса ҳам уйига тезроқ етиб борса бўлди. Ахир отасига соат кечки 20-00 ларгача қайтаман деб қатъий сўз берган. Бугун яқин ўртоғи Қозимжоннинг туғилган кўни. Бир йилда бир марта бўлади. Бундай туғилган кунларнинг нечасида уйига келиб борган. Отамга амаллаб тушунтираман дея, ўзининг ҳам айтилган вақтда уйига кетиш ҳаёлига келмади. Устига-устак яқин ўртоғининг кўнглини шундай кунда ўқситмаслик учун қиттак-қиттак отиб ҳам олди. Соат 21-40 ларда йўлга чиқди. «Тошкентленд» боғига ҳам етиб келибди. Қараса соат 22.

Автомобилнинг тезлигини янада оширса, беш дақиқаларда маҳалласига боради. Тезроқ яшил чироқ ёнса бўлди. Мана, яшил чироқ ҳам ёнди. Машинанинг рулини шитоб билан Жаҳон Обидова кўчаси томон бурди. Кўчада ҳеч зов кўринмасди. Фақатгина эртанги кун умиди ила Анваржон кўчада кетаётган эди. Бехзод эса Анваржонни пайқамасди. Пайқамасди ҳам фалокатнинг олдини олиб бўлганда. Натijaда йўл четиди кетаётган Анваржонни уриб юборди. Кўкка салчиб кетган Анваржоннинг гавдаси ўмбалоқ ошиб машинанинг олдинги қисмига тушди. Буни кўрган Бехзоднинг капалаги учиб кетди. Фикри-зикри тезроқ воқеа жойидан қочиб кетиш эди. Тезлики янада оширди. Тезлик ошгани сабабли Анваржон йўлнинг ўртасига узала тушди. Бехзод эса шафқатсизларча унинг устидан босиб кетди. Бечорага бу ҳам камлик қилган экан. Бехзод автомобилида унинг жасадини 20-25 метр масофага судраб борди. Бу пайтда эса Анваржоннинг танаси таниб бўлмайдиган ҳолатга келган эди. Бехзод эса

воқеа жойидан яшириниш мақсадида машинасини Тошкент педиатрия институти ёнидаги Юнусобод улғуржи озик-овкат бозори томон шитоб билан ҳайдаб кетди. Сўнгра бозор орқасидаги маҳалланинг ичига кириб кетади. Ўзига келиб қараса, боши берк бўчага кириб қолган экан. Зудлик билан машинадан тушиб, давлат рақамини жон ҳолатда суғуриб олди ва уни юкхонага солиб қўйди. Ўзи эса бир ўртоғиникига беркинди.

Шўрлик Анваржоннинг жонсиз танаси йўл ўртасида янчили тарзда ётарди. Буни кўрган кишилар тезда ЙПХ постига хабар қилишди. Кўп ўтмай ЙПХ ходимлари ҳамда ИХБ Кидирув бўлимининг инспекторлари ҳодиса юз берган жойга етиб келишди. Кидирув бўлими ходимлари ИТХни содир этган шахс ҳали шаҳардан чиқиб кетмаган деб гумон қилишди. Барча постларга техник шикаст олган машинанинг тезда ушланиши тўғрисида хабар етказилади. Ён-атрофдаги маҳаллалар объект тариқасида текширувдан ўтказила бошланди. Тахмин тўғри чиқди. «Нексия» русумли давлат рақами юлиб олинган эгасиз автомобиль Юнусобод улғуржи озик-овкат бозори орқасидаги маҳалланинг боши берк кўчасидан топилди. Орадан бир ярим кун ўтиб йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, уни мудҳиш жиноятга айлантирган нобакор кимса Бехзод ҳам қўлга олинди. Эҳтимол, Бехзод Анваржон осмонга қараб салгинан лаҳзада машинани тўхтаганда унинг ҳаёти сақлаб қолинарми? Ногирон ота-оналар ёлғиз қаровчисидан жудо бўлмасмиди?

Хали чимилдиққа қирмаган келин бева деган номни олмасмиди? Эҳтимол Бехзод бели оғриб пул топганида автомобильни бу даражада тез ҳайдамасмиди? Унинг бу қалтис ҳаракати бир оилани ёлғиз умидидан айирган бўлса, ўз ота-онасини иснодга қолдирди.

Гулчеҳра САЙИДМУРОВА

**Спорт**

**ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ**

Шайхонтохур туманидаги «Чўпон ота» маҳалласида болалар спортини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш ниятида маҳалла фаоллари ташаббуси билан мактанга арзигулки ишлар амалга оширилаётгани кўпчиликка маълум.

Аввало, жонкуяр оқсоқол Ҳамид Акбаровнинг сазй-ҳаракатлари туфайли қаровсиз ҳолда ётган Есенин боғи тозаланиб, ораста ҳолга келтирилди. Маҳалладошлар, саховатпеша ҳомийлар кўмагида маҳалла кўркига кўрк қўшиб турган спорт майдони қуриб битказилди ва болажонларга тўхфа этилди. Қувонарли жиҳати шундаки, замонавий усулда бунёд этилган ушбу спорт майдонига болажонлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, кўл тўпи, бадий гимнастика турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлишди. Ҳозирда маҳаллада турли хил спорт тўғаракларининг фаолият юритаётгани халқимиз томонидан «Излаган имкон топади», деган ҳикматли ибора бежиз айтилмаганлигини яна бир қарра исботлайди. «Чўпон ота» маҳалласи фаоллари бу билан тинчигани йўқ. Ҳозирда ушбу файзли гўшада ўзбек кураши ва каратэ мактабларининг қурилиши бошлаб юборилди. Насиб этса 2004 йилда болажонларга тўхфа этиладиган ушбу спорт масканларида келажакимиз ворислари каратэ ҳамда кураш сирларини малакали мураббийлар ёрдамида пухта ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

**МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШДИ**

Италияда ўтказилган ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ўзбекистонлик спортчилар учун муваффақиятли кечди.

Аввало, шунга айтиш жоизки, спортчиларимиз жарималар, аниқроқ айтганда кичик калибрли милтиқлардан нишонга олишда йўл қўйган хатолари туфайли кучли учликка кира олишмаган бўлишса-да, терма жамоамиз аъзолари — Анна Коробко, Зарема ва Звелина Мамедовалар жамоавий эстафета мусобақасида муваффақиятли қатнашиб жаҳон чемпионатининг кичик кубогини қўлга киритишди. Дарвоқе, халқроқ биатлон федерацияси томонидан 2005 йили ўтадиган Осиё чемпионатида Тошкент мезбонлик қилиши мамлакатимизда ушбу спорт тури янада ривожланаётганидан дарак беради.

(Ўз мухбиримиз)

Газетанинг навбатдаги сони 17 октябрда чиқади.

**МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ**

**ПАРАШЮТ СПОРТИ ФАҲРИЙЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги, унинг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, кенг халқ оммаси — хусусан ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш каби вазифаларни ўз олдига қўйган ва бу борада самарали фаолият олиб бораётган «Ватанпарвар» ташкилоти юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келяпти.

«Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари зиммасига Қуролли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган. Ташкилотда чақирилувчи ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етук, жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиси этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

«Ватанпарвар» тизимида Республика миқёсида 150 дан ортқ спорт-техника клублари фаолият кўрсатиб, модел-созлик, триатлон, ёзги биатлон, денгиз кўпкураши, радиоспорт, мерганлик, ҳарбий-амалий кўпкураш, арбалет, автоспорт, мотоспорт, ҳавода учиб, парашют спорти, дельтапланер ва автомобильни мураккаб тўсиқлар узра бошқариш турлари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилмоқда.

Шунингдек, «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси парашют спорти фахрийлари ўртасида ҳам мусобақалар тез-тез ўтказиб турилибди. Яқинда Тошкент вилоятидаги «Аранчи» аэродромида Ўртачириқ тумани ҳокимлиги, алоқадор ташкилоти вакиллари «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари курсантлари, аскар ва офицерлар, мактаб ўқувчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида фахрийлар ўртасида парашют спорти бўйича мусобақалар ташкил этилди. Унда 22 нафар парашют спорти фахрийлари ўз малака ва нониқмалари, юқори маҳоратларини намойиш этишди.

Қизқарли мусобақа давомида «Ватанпарвар» ташкилоти спортчилари, ҳарбий қисм аскарларининг кўргазма-

ли чиқишлари айниқса ийғилганларда катта таассурди қолдирди. Автомобиль спорти, мерганлик, мотокросс бўйича кўргазмали чиқишлар бўлди. «Ватанпарвар» мактабларининг авиамодели ва ракета моделчилари ўз моделларини учирди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларига навбатдаги чақирув муносабати билан «Мардлар қўриқлайди Ватанни» номли парашют спорти фахрийлари ўртасида ўтказилган навбатдаги мусобақаларда эркаклар ўртасида «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссдорлик жамияти клуби вакили Ю.Мелковский энг яхши натижа кўрсатиб голибар сафини бошқарди. «Наск» клуби вакили Г.Пожитковга иккинчи ўрин насиб этди. Пенсия гашини сураётган Н.Касьянов эса учинчи бўлди.

Аёллар баҳсида ҳам барча совринли ўринлар «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДХЖ клуби вакиллари бўлишди С.Красикова, М.Лукова, И.Муҳаммадхўжаеваларга насиб этди.

Мусобақа якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раиси Абдулазиз Абдуқаҳоров голибарни қўтлаб, ташкилотлар томонидан ажратилган қимматбахо совғаларни топширди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИДА — ЁШ КАРАТЭЧИЛАР**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида уч кун давомида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида каратэ бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси ва Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган нуфузли турнирда юртимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган мингдан ортқ ёшлар 25 килограмдан бошлаб 75 ва ундан ортқ вазнларда гала-

ба учун кураш олиб боришди.

Шуни таъкидлаш жоизки, иштирокчилар 46 та каратэ клуби шарафини ҳимоя қилишди. Кубок мусобақаси қатнашчилари ёш бўлишлари қарамали ката ва кумитэ бўйича ўз назарий ҳамда амалий маҳоратларини тўлиқ

намоийш этишди.

Голиб ва совриндорларга кўллаб олтин, кумуш ва бронза нишонлари топширилди. Шунингдек, энг яхши спортчилар «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг яхши ката устасига» ва шу каби бошқа махсус совринлар билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри каратэчилари ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди. Қашқадарё вилоятининг ёш спортчилари иккинчи, андиҳонликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)  
**СУРАТДА: Ўзбекистон Кубоги мусобақаларидан лавҳалар. Алексей Попов ва Муҳаммад Амин (Ўза) олган суратлар.**



**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНИЛАР | ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНИЛАР**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобида ундиришлик учун хатлашиб банд солиingan автотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади.**

1. "Иж-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
2. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм;
3. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 494, бошланғич нархи 8 020 600 сўм, техник носоз;
4. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
5. "Нексия GLE" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 210, бошланғич нархи 4 300 654 сўм, техник носоз;
6. "Дамас" — автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 238, бошланғич нархи 1 529 222 сўм, техник носоз;
7. "Дамас" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Х 59-95,

8. "Шевролет-Астро" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А.А 406, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, техник носоз;
9. "Ваз-21063" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 Д 78-23, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
10. "Тойота-Корона" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 1 08-75 МР, бошланғич нархи 15 000 000 сўм, техник носоз;
11. "Газ-2411" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АВ 095, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
12. "Зил-431410" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 982, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;
13. "Газ-3307" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;
14. "ГАЗ-5201" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
15. "ГАЗ-52" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
16. "Газ-52" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
17. "Газ-53" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717,

18. "Газ-5204" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
  19. "Авиа-А-31" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
  20. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм;
  21. "Камаз-432500" юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;
  22. "Зил-ММЗ-34502" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
  23. "ДТ-75" трактор, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 500 000 сўм;
- Ушбу автотранспорт воситалари кимосиди савдоси 2003 йил 16 октябрда соат 15-00 да, 18 октябр кuni соат 12-00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.  
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида бошланди.  
4204 нусxada босилди. Қўроғ бичини А-3

**Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-ривази билан рўйхатта олиналган

Наширни etkazиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига эки «Тошкент почтасига» — 133-7405 телефонга мурожаат қилишиниго мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийет-матбаа таркидорлик компанияси босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.